

Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!



Ishonch

2016-yil
5-iyul,
seshanba

№ 80
(3741)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Мустақил Ватанимиз ва ёруғ келажагимиз тимсоли

Маълумки, кун кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисидаги фармони эълон қилинди.

Халқимиз томонидан катта хурсандчилик ва мамнуният билан кутиб олинган маъруз нишон билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва муҳофаза қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислохотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ва тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва барқарор авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ва истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳалари вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланиши белгилаб қўйилган.

«O'ZBEKISTON MUSTAQILLIGIGA 25 YIL»
эсдалик нишони



Биз бундан 25 йил олдин ўз миллий тараққиётимизнинг асосий шарт ва мезони бўлган истиқлолга эришиб, аввало, миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, чуқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда «Ўзбек модели» деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга ошираётганимиз, эл-юртимизнинг қадди ва қадри баланд бўлиб, куч-қудратимиз янада ошиб, мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражаси ва сифати юксалиб бораётгани эсдалик нишонидан ўзининг чуқур ифодасини топаганини таъкидлаш лозим.

Айниқса, кўпни кўрган, меҳнатқаш ва олижаноб орзу-интилишлари, давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларини, бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида биз ўз олдимизга қўйган олий мақсад-муддаоларни ёрқин ифода этиши билан алоҳида эътиборни тортади.

Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик бизга ўз оиламиз, оналаримиз, фарзандларимиз, халқимиз ва Ватанимиз учун яшаш ва меҳнат қилиш, шу йўлда бугунги юксак марраларни эгаллаш имконини берди.

Энг муҳими, истиқлол йилларида шакланган янги, навқирон авлодимиз ҳозирги кунда халқ қилувчи куч бўлиб майдонга чиқмоқда. Биз кенг кўламли ислохотларимиз йўлида эришяётган янги-янги марраларни аёлларимиз, оналаримиз ва болаларимизнинг бахту саодати учун баҳида этмоқдамиз ва айтиш шундай буюк мақсад йўлида меҳнат қилиш — энг олий саодатдир. Соғлом ва барқарор авлодни тарбиялаш йўлида хизмат қилиш — улкан шарафдир. Шу маънода, нишонда акс эттирилган Бахти-

ёр она ҳайкалинини барча юртдошларимиз мустақил Ватанимиз, ёруғ келажагимиз тимсоли сифатида қабул қилади ва шундай нишонга эга бўлишни ўзи учун юксак шараф деб билади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз босиб ўтган 25 йиллик тарихга назар ташлайдиган бўлсак, хотин-қизларга, муқаддас она зотига эътибор ва гамхўрлик кўрсатиш, ҳар томонлама соғлом ва барқарор авлодни вояга етказиш масаласи Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири бўлиб келаётгани ва бу йўлда дунё ҳамжамияти эътироф этаётган улкан натижалар кўлга киритилаётганини кўраемиз.

Мустақил юртимизда таъсис этилган биринчи орден ҳам «Соғлом авлод учун» деб номлангани ва бу юксак муқофот ўтган давр мобайнида қанча-қанча юртдошларимизни фарзандларимизни дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган, етук ва барқарор инсонлар этиб тарбиялашдек улук мақсадлар йўлида улкан ишларга сафарбар этиб келаётганини ҳеч қимга сир эмас.

«Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонини шу борадаги орзу-интилиш ва амалий ишларимизнинг узвий ва мантйкий давоми бўлиб, она тимсолида буюк Ватанимизни, унинг фарзанди тимсолида эса ёруғ келажагимизни кўраемиз.

Шу ўтган даврда амалга оширилган улкан, том маънода тарихий ишларимизнинг туб моҳияти ва аҳамиятини чин дилдан ҳис этиш, шу улғувор ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деган дахлдорлик туйғуси билан яшаш барчамизга чексиз ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Миллионлаб юртдошларимиз айтиш шундай фидокорона меҳнат қилгани ва бугунги кунда ҳам янги-янги марраларни кўзлаб ҳаракат қилаётгани Ватанимизнинг ёруғ келажагига бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Бир сўз билан айтганда, «Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишонини жаҳондаги ривожланган, демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш йўлида қатъият билан илгариллаб бораётган бугунги Ўзбекистоннинг рамзи сифатида минг-минглаб юртдошларимизнинг кўксига ярақлаб, уларни янги ютук ва марраларга илҳомлантирадиган юксак ишонч ва эътибор ифодаси бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

УЗА

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Бундан йигирма беш йил илгари қишлоқ-дошларим деҳқончилик ортидан келаётган даромадга қараб режа тузар, мақсадлар ҳам, ҳаёт тарзи ҳам шу ўлчов асосида яратиларди. Ҳозир эса ҳар гал қишлоққа борганда катта-катта ўзгаришларга гувоҳ бўламиз. Аввалиги оддий, клубсифат уйлар ўрнини баланд қошоналар эгаллаган. Одамларнинг ўйи, дунёқарашини, ҳаёт ва меҳнатга ёндашуви ҳам ўзгаришга учирган.



Тараққиётнинг янги босқичида

Куну тун ишловчи дўкандан дорихонагача, гўзаллик салонидан тортиб тўй-тантаналар ўтказувчи мажмуагача — ҳамма-ҳаммаси шаҳарни эслатади. Бу манзара ҳозир юртимизнинг шаҳар билан чирой талашаётган барча қишлоқларига ҳос. Зеро, хуррият одамларнинг онгида занжирлаб ташланган ташаббуслар, эркин фикр ва тараққиёт сари интилишни рўйбга чиқарди.

Водий гавҳари ҳисобланган Наманганга ташриф буюрсангиз, элга ризку фаровонлик улашаётган чорвадор бободехқонлар, юртни тараққиёт, замондошларни янги ҳаёт сари етаклаётган тадбиркор бинокорлар бугунги тўқис ҳаётнинг яратувчилари эканлигига гувоҳ бўласиз.

Вилоятда истиқомат қилаётган 2603,2 минг киши эртасига қатъий ишонч билан олға интишмоқда. Бунинг учун Яратган томонидан ато этилган нәматлар ҳам, давлатимиз томонидан берилган эътибор ва имтиёз ҳам етарли. Аввало, вилоят қўлай география жойлашувага эга бўлиб, унинг замини хилма-хил фойдали қазилмалар, хусусан, нефть, оптин, қумуш каби нодир рудалар, қурилиш материаллари, гоёт шифобахш минерал сувларга бойлиги билан ажралиб туради. Шу ўринда Юрбошимиз 2015 йилнинг 26 ноябрда халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айтган бир эътирофни келтириш жоиз: «Бу заминнинг ранг-баранг табиати, турли бойликлари, қўнра тарихи ва маданияти ҳақида узок гапириш мумкин. Лекин Наманганни ҳақиқий Наманган қилган унинг кўпни кўрган, меҳнатқаш ва пок ниғматли халқи, десак, ҳеч қандай муволага бўлмайди».

Айни шу учрашувдан сўнг вилоят ҳаётида тарихий бурилиш даври бошланди. Ўтган қисқа фурсат ичида энг устувор вазифамиз бўлган таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, sanoatни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизациялаш, аҳоли-коммуникация тизимларини кенг жорий



этиш ҳисобидан иқтисодийнинг рақобатдошлигини оширишга доир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш, мажхуд қорхоналарини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий технологияга асосланган қувватларни ишга тушириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли тадбирлар натижасида бугунга келиб вилоятда машинасозлик ва металлургия қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат sanoati, қурилиш материаллари тайёрлаш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида катта салоҳият юзага келди.

Вилоят sanoati салоҳиятини юксалтиришда соҳага оид мақсадли дастурларнинг амалиётга татбиқ этилаётгани муҳим омил бўлаётди. Хусусан, бундан уч йил аввал қабул қилинган шундай дастурнинг якуновчи босқичи — 2015 йилда 314 та лойиҳа амалга оширилиб, бунинг учун 226,1 миллиард сўмлик инвестиция йўналтирилди. Натижада, 2015 йил якуни билан 2 триллион 685,2 миллиард сўмлик sanoat маҳсулоти ишлаб чиқарилиб, 2014 йилга нисбатан 114 фоиз ўсишга эришилди.

»(2-3).



Тараққиёт

Мамлакатимизда фуқароларнинг динимиз арконларини эмин-эркин адо этиши учун зарур барча шароитлар яратилган. Айниқса, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари умум-халқ байрами сифатида кенг нишонланаётгани, мамлакатимизда ушбу айём кунлари дам олиш кунини, деб белгиланаётганидан халқимиз беҳад мамнун.

Эзгулик ва саховат айёми

Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги «Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги қароридан Рамазон ҳайитини жойларда муносиб нишонлаш, байрам халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтишини таъминлаш учун тегишли тадбирлар қўриш юзасидан тадбирлар белгиланган. Маъруз қарорга мувофиқ, Рамазон ҳайити байрамини юқори савияда ўтказиш учун пойтахтимиздаги Миробод туманида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Йигинимизда байрамнинг тинч-осойишта ўтишини таъминлаш, ҳудудни янада ободонлаштириш, эҳтиёжманд, бokuвчинини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди тумандаги «Сарикўл» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маърифжон Эргашев. — Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик туфайли турмушимиз тобора фаровон бўлмоқда. Бу Рамазон ҳайитини миллий қадриятларимизга мос таразда нишонлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларда ҳам ўз аксини топаётди. Бундай хайрли ва эзгу ишлар халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик, саховатпешалик каби юксак фазилатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Айни пайтда Миробод туманидаги барча маҳалла-ларда хашар уюштирилиб, кўчалар, муқаддас кадамжов ва зиёратгоҳлар, қабристонлар ободонлаштирилмоқда. Кам таъминланган оилалар, йўлчи кексалар, ногирон ва беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатилаётди.

Уз муҳбиримиз

Касаба уюшмалари мустақиллик йилларида

Чорак асрда мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилди

— дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан БЕДИЛОВ

— Истиқлолнинг илк кунларида-ноқ мамлакатимизда ёшларнинг ҳар томонлама барқарор бўлиб улғайишига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Юрбошимизнинг «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таъ-

лимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси» деган ғояси асосида ёш авлодни чуқур билимли, замонавий дунёқараш эгаси қилиб ўстириш, уларни Ватанга муҳаббат, халққа садоқат, миллий ва

умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш вазифаси таълим муассасаларида устувор аҳамият касб этаётди.

Собик иттифок таркибига кирган республикалар ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистонда «Таълим

тўғрисида»ги қонун тасдиқланди. Ва 1992 йили қабул қилинган мустақил Ўзбекистоннинг Асосий қонунини таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг тамойиллари, таълим тизimini, педагог ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва маж-

»(4).

Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси

Мамлакат тараққиётини ёшлар ташаббускорлигисиз тасаввур қилиш қийин. Шу боис уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаёпти. Бухоро вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва ҳамкор ташкилотлар иштирокида кўна Бухоронинг Лаби ховуз мажмуасида жойлашган йирик анжуманлар марказларидан бири — Нодир Девонбеги мадрасасида ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими фикримизни яна бир қарра тасдиқлагандек бўлди. Тадбирни Бирлашма кенгаши раиси Фулом Сафаров очар экан, танлов иштирокчиларига зафарлар тилади.

Иқтидор эгалари қўллаб-қувватланмоқда

— Бу йилги танлов нуфузи аввалгиларидан бир поғона кўтарилганини кузатиш мумкин. Ғолиблик учун курашларнинг дастлабки босқичида 400 нафарга яқин мутахассис жиддий кураш олиб борди, — дейди вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси Ғайрат Раупов. — Пешқадамларни аниқлаш осон кечмади. Бу эса иқтидор эгалари йил сайин ортиб бораётганидан далолат.

Пировардида, Бухоро давлат университети ўқитувчиси Акмал Тўраев (Энг фаол ёш олим), Олот туманидаги 7-олимпия спорт мактаб-интернати дзюдо бўйича мураббийи Бекзод Ҳайдаров (Энг фаол ёш спорт мураббийи), вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази вази Азиза Атоева (Энг фаол ёш шифокор),



АТИБ «Ипотека банк» «Сардор» филиали бўлим бошлиғи Суннатилло Очилов (Энг фаол ёш банк ходими), «Бухорондонмаҳсулотлари» АЖга қарашли «Қўсарой» нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўлими раҳбари Фирдавс Сафаров (Энг фаол озиқ-овқат саноати ходими), «Жондор интер савдо» МЧЖ ходими Муҳриддин Насруллаев (Энг фаол ёш транспорт ходими) ғолибликни қўлга киритиб, кейинги босқичга йўланма олди. Шунингдек, «Энг яхши ишчи касб эгаси» ва «Муҳнат ҳуқуқи билимдони» танловлари ғолиблари ҳам аниқланди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Истеъдодли ёшлар фаолиятига оид кўрғазма ҳамда концерт дастури иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Навоий вилоятида ҳам «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ташкил этилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган биринчи босқич, яъни саралаш босқичларидан ҳудудий босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган 250 нафар иштирокчи орасидан иқтидори, инновацион гоаялари, кашфиёт ва янгиликлари билан энг юқори натижаларни қўлга киритган 13 нафар ёш мутахассис вилоят босқичида ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олишди.

Вилоят босқичида ғолиб деб топилган «Энг фаол ёш олим» — Анвар Кандаҳаров, «Энг фаол ёш спорт мураббийи» — Мафтуна Эсанова, «Энг фаол ёш шифокор» — Обиджон Ҳўжаев, «Энг фаол ёш транспортчи» — Исломбек Исмаилов танловнинг Республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Шунингдек, бу йил илк бор ўтказилаётган «Энг яхши ишчи касб эгаси» танловида ҳам 6 та йўналиш бўйича касб-хунар коллежлари битирувчиларидан 6 нафари танлов ғолиби бўлиб, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ҳар икки танлов ғолиблари тақдирчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

М.ҚАМБАРОВА, Навоий вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши раиси

Бошланғич ташкилотларда

Ижтимоий шериклик ҳикмати

Махфират опа тун бўйи ёққан ёмғирдан сўнг янада чирой очган турфа хил мевали ва манзарали дарахтлар, дид билан ишлов берилган гулзорга боқаркан, кайфияти кўтарилди. Хонаси эшигини очаркан, бугун аъзоларни қабул қилиш кўни экани хаёлидан ўтди. Амалга ошириладиган ишлар режасига кўз югуртирди.

Махфират Ўзбекованинг Жиззах вилоят Статистика бошқармаси бошланғич касабаси уюшма қўмитасига раис этиб сайланганига икки йилдан ошди. Жамоат ташкилоти билан яқиндан танишган киши унинг корхона фаолиятида ўз ўрни борлигига амин бўлади. Жамоадаги соғлом муҳитни шакллантириш, ишчанлик руҳини сақлаш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояни таъминлашда бошланғич ташкилотнинг салмоқли ўрни бор.


— Жамоамизда 83 нафар аъзо бор, — дейди касабаси раиси. — Улардан 41 нафари аёллар, 48 нафари эса ёшлар. Ходимлар соғлиги доимий эътиборда. Шу мақсадда ишлаб чиқариш гимнастикасини ташкил қилганмиз. Бу билан, айниқса, ёшлар бўш вақтини беҳуда ўтказмаслигига эришдик.

Дарҳақиқат, иш берувчи билан келишган ҳолда бошқарма тасарруфидаги бўш турган иккита хона таъмирдан чиқарилган, бинойидек спорт залига айланди-қолди. Аёллар гимнастикаси учун алоҳида жиҳозлар келтирилди. Шунингдек, фитачой ва витаминли коктейллар тайёрлаш учун фитобар ташкил қилинди. Худудда жойлашган оилавий поликлиника билан шартнома тузилиб, ҳар ойда бир марта барча ходимлар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Жамоа шартномаси нафақат ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашда, балки маънавият ва соғломлаштириш йўналишларида ҳам тизимли ишларни амалга оширишда қўл келаётди.

Б.ҚОСИМОВ, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Жиззах шаҳар кенгаши раиси

Бу муқаддас Ватанда



НАМАНГАН ВИЛОЯТИ:

МАҚСАД — ДУНЁ БОЗОРИ

— Тадбиркорлик соҳасида фахрланасан арзийдиган кўрсаткичларимиз анчагина, — дейди Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабаси уюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси Гулчехра Казакбаева. — Эътибор беринг-а, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастурининг баҳосига кўра, Ўзбекистон ўтган йилда бизнес юртишни энгиллаштириш соҳасида амалга оширилган ишловлар бўйича етакчи ўн та мамлакат қаторидан жой олди. Бундан қувонмай, фахрланмай бўладими? Фахрланиш баробарида, биз шундай эмин-эркин, қулай шароитда меҳнат қилаётганимиз учун зим-

қўшиш бахтини ҳис қилиб яшашмоқда.

Шу ўринда рақамларга юз тутасан: 2000 йилда вилоят тадбиркорлари томонидан жаҳон бозорига 75,3 миллион АҚШ доллари тенг маҳсулот чиқарилган бўлса, 2010 йилга келиб бу кўрсаткич 119,5 миллион долларни ташкил этди. Утган йили эса ташқи бозорга 165,5 миллион долларлик маҳсулот юборилиб, хизматлар кўрсатилди. Мухим томонини, экспорт таркиби сифат жиҳатидан яхшиланиб бориши натижасида ташқи савдода хомашё улуши камайиб, тайёр маҳсулотлар ҳажми ортмоқда. Масалан, 1991 йилда 96,8 фоиз маҳсулот вилоят худудидан оддий хомашё сифатида четга чиқиб кетган бўлса, ишлаб чиқариш ривожланиши эвазига ушбу

Тадбиркорлик

Қамолхон Эгамбердиев ўзи раҳбарлик қилаётган «Асадбекгўштсаноат» МЧЖ фаолиятини кенгайтиришга аҳд қилди. Банкдан 360 млн. сўмлик кредит олиб, хориждан керакли технология линиясини келтиргач, сунъий гул ва буталар, юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни бошлаб юборди.

Юмшоқ ўйинчоқлар

Дастлаб 4-5 ишловчи халб қилинган цехда ҳозирда 18 нафар ходим юмшоқ ўйинчоқ тикиш билан банд. Корхонанинг умумий ишчилари сони эса 30 нафардан ортади. Барча ходимлар иш берувчи томонидан икки маҳал бепул оқат, махсус иш кийими билан таъминланган. Аксари коллежнинг қўлида таъминланган ёшлар.

— Юмшоқ ўйинчоқлар ишлаб чиқаришда вилоятда ягона миз, — дейди цех иш бошқарувчиси Тоҳир Қодиров. — Бу бизга хотиржамлик эмас, аниқ маъсулият юқлайди. Вилоятимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг барчаси харидорларга пишиқ-пўхталиги, чидамлилиги билан маълум. Ана шу анъанани давом эттиришимиз шарт. Ҳар ойда ўртача 100 млн. сўмликдан зиёд ўйинчоқлар ишлаб чиқаряпмиз. Яқинда фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида янги технология олиб келамиз. Уни ишга туширсак, ишчилар сони ҳам, ишлаб чиқариш миқдори ҳам ошади. Хомашёни Андижон, Тошкент шаҳарларидан келтирамиз. Харидорларимиз ҳам кўшни вилоятлар, Тошкент, Самарқанд томонлардан келишмоқда. Энг муҳими, маҳсулотимизга ишонч ва талабнинг ортиб бораётгани. Бу бизни, албатта, руҳлантиради.

— Жорий йилда ўтказилган «Ташаббус» кўрик-танловининг туман босқичида «Энг ёш тадбиркор» номинациясида ғолиб бўлди, — дейди Қамолхон Эгамбердиев. — Келгусида аниқ шу танловнинг республика босқичида ғолиб бўлишни мақсад қилганмиз.

Ўз мухбиримиз

К(1). КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ОДИМЛАРИ

Бугун бутун мамлакатимизда бўлгани каби Наманганда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига иқтисодийнинг мустақам таянчи сифатида қараб, унинг тараққиёти учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ҳозирги кунда аниқ йўналишда 15700 дан зиёд субъект фаолият кўрсатиб, ўтган йил якуни билан уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 80,2 фоизга етди. Аҳоли бандлигида бу кўрсаткич 83,4 фоизни ташкил этди. Аниқ чоғда соҳадаги корхоналар томонидан илгор технологияларни жорий этиш ҳисобига вилоят учун янгилик бўлган автомобилларга мўлжалланган сийқилган газ баллонлари, аккумуляторлар, болалар ва катталар велосипедлари, тиббиёт дори-дармонлари, мрамр плиталар, цемент ва шифер, ўлчов асбоблари сингари маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Соҳа ривожини ва имтиёзлар хорижий сармоядорларнинг ҳам қизиқишини оширмоқда. Масалан, Поп туманидаги «Асадбек Чоркесар» фермер хўжалиги негизда ташкил этилган «Абдумалик Лазиз импекс» қўшма корхонасида фермер Абдумалик Йўлдошев ва унинг хорижий ҳамкори томонидан тенг равишда қиритилган 150 минг АҚШ доллари миқдоридagi сармоа ҳисобига йилига 30 минг донна трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш қувватига эга бўлган линия ишга туширилди. Корхонада тайёрланаётган 20 турдаги экспортбоп кийим-кечак харидорларга «юқори сифат, мақбул нарх» тамойили асосида етказиб берилмоқда. Жаҳон андозасидаги маҳсулотларнинг ижодкорлари эса кишлоқнинг 70 нафардан зиёд ўғил-қизларидир.

Тараққиётнинг

мамиздаги шарафли маъсулиятни ҳам ҳис этамиз. Тармоғимизга қарашли корхоналарнинг аксарияти тегишли имтиёзлардан унумли фойдаланиб, жаҳон бозорини ҳам забт этмоқда. «Ташаббус» кўриктанлови ғолиблари бўлган «Истиқлол текстил дизайн» МЧЖ, «Ифтихор кийим саноат» хусусий корхонаси, «Наманган момиқ сочқилари» МЧЖ, «Истикбол пойабзал савдо» хусусий корхонаси, «Резина пласт» МЧЖ каби корхоналар экспортбоп ва рақобатбардош маҳсулотлари билан жаҳон бозорига чиқди. Хорижа экспорт фаолиятини бошлаган корхоналар сафига «Нафис текс групп», «Кармен Фасон» хусусий корхонаси, «Асадбек Ойдина савдо», «Мега харид сервис», «Текстил саноат элит» маъсулияти чекланган жамиятлари қўшилгани вилоят марказида ташқи савдо айланмаси ҳажми ошишидан бир дарах. Энг асосийси, уларда ишловчилар ҳам касабаси уюшмаси қанотида корхонанинг ютуқларига ҳисса қўшиш баробарида, қонун доирасидаги имтиёзлардан фойдаланишаётди.

Наманганда бундай муваффақиятлари билан фахрлана оладиган, ҳаммиса юрт қорига елка тутувчи кўп тадбиркорларнинг борлиги қувончи. Уларнинг қаноғига кириб, келажак сари одимлаётган ёшлар эса тўғри йўлда эканликларини кўнгилни хотирга қилади. Энг муҳими, улар эл қорига яраш, юрт ривожига ҳисса

кўрсаткич 2015 йилда 91,8 фоизга пасайди. Аниқ чоғда вилоятдаги экспортчилар томонидан жаҳон бозорига билинилар, эркаклар костюм-шимми, момиқ сочқилар, мебел ватаси, асал, ҳатто, тўтиқуш сингари паррандалар ҳам чиқарилмоқда. Аниқ чоғда корхоналарнинг экспорт географияси кенгайиб, бугунги кунда 70 дан ортиқ мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатилган.

ЗАМОНЛАР ОША...

Президентимизнинг «2016 — 2019 йилларда Наманган вилоятининг саноат салохиятини ривожлантириш дастури тўғрисида» 5 қарорига умумий қиймати қарийб 5 миллиард АҚШ долларига тенг 254 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, улар ижроси натижасида 16 мингдан ортиқ янги иш ўрни юзага келади. Дастур доирасидаги лойиҳаларда муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантириш, ер ости қазилма бойликларида самарали фойдаланиш ҳамда саноат корхоналарини хомашё ресурслари билан таъминлаш, янги корхоналар ташкил этиш, мавжуд корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини техник ва технология жиҳатдан модернизация қилиш, кенгайтириш ва диверсификациялаш тадбирлари кўзда тутилган. Ушбу вазифалар ижроси билан 2019 йилга бориб, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш



Шуқуҳ

Дунё яхшиликдан баҳра олади

Мустақиллигимизнинг 25 йиллигини ўзгача шуқуҳ, ҳаяжон билан кутиб олаёямиз. Бу байрам энг улуг ва энг азиз айём сифатида барчамизнинг қалбимизда ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Бугун ортда қолаётган йигирма беш йил тарих зарварларидан жой олиб, эркин ва фаровон юртимиз чин маънода асрларга тенг қисқа вақт ичда нафақат минтақамизнинг, балки жаҳоннинг тараққиётга юз тутган мамлакатига айланганига шоҳидмиз.

Ютуқлар замирида озми-кўппи нодавлат ташкилотларнинг ҳам ҳиссаси бор. Шу жумладан, касабаси уюшмалари ҳам истиқлолни мустақамлаш, юртдошларимиз ҳаётига фаровонлик ва янгилишни олиб киришда қатор юмушларга қўл урмоқда.

Аъзолар сонини ошириш, касабаси уюшмаси ҳимоясидаги қатлам қамровини кенгайтириш мақсадида жорий йил бошидан бери нодавлат сектордаги 236 та ташкилот тизим сафига қамраб олинди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида касабаси

уюшмалари тизимидаги санаторийларда кам таъминланган, кўп болали ҳамда вилоятнинг чекка қишлоқларида яшовчи оилаларнинг 9 нафар ишловчи аъзоси, тиббиёт муассасаларининг 10 нафар ходими, шунингдек, «Умид гулшани» санаторийсида фарзанд кўрмаган ёш оилаларнинг 6 нафар ишлайдиган аъзоси бепул соғломлаштирилди.

144364 нафар ишловчи аёлнинг тиббий кўриқдан ўтиши мониторинги юритилди. Хотин-қизлар меҳнатини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида амалий ишлар олиб берилмоқда. Бу бора-

да, айниқса, хотин-қизлар меҳнати таққиланган шароитлар назоратга олинган ҳафта «Аёл оиланинг, жамиятнинг ишончи ва таянчидир» мавзусида тренинглари олиб берилмоқда.

Хотин-қизлар ва болаларни спортга кенг жалб этиш мақсадида касабаси уюшмалари ташаббуси билан «Соғлом оила» оилавий спорт мусобақалари юқсак савияда ташкил этилди. Мусобақалар 4 босқичда ўтказилиб, 1254 та бошланғич ташкилотда 3762 та оила иштирок этиб, 11286 нафар аъзоси жалб этилди.

Жамоа шартнома ва келишувлари орқали аёллар ва болаларни маънавий, моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд оилаларнинг 1108 нафар фарзанди учун ўқув анжумлари сотиб олинди, 200 нафардан зиёд аёлларни ҳимоядорлик ва туғиш таътиллари кўни узайтирилди, корхоналар ходимлари-

нинг 39 нафар фарзандига спорт тўғаракларига қатнаш харажатлари қопланди, икки ёшдан уч ёшгача боласини парвариш қилиш учун таътилга чиққан 357 нафар ёш онага моддий ёрдам кўрсатилди, нодавлат мулк шаклидаги корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган болали 172 нафар аёлга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиغان қилиб белгиланди.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 26 та ёш оилага узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш ва уй-жой қуриш учун фоизсиз ссудалар ажратилди, кам таъминланган ёш оилалардан 800 кишига моддий ёрдам кўрсатилди.

Ҳаттоки шўқри, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Одамлар ҳаётдан мамнун. Шунинг ўзи улуг бахт. Халқимиз бу кунларга ўз-ўзидан эришгани йўқ. Юртбошимизнинг доно сийсати, ҳукуматимизнинг тўғри йўлдан бораётганини дунё тан олмақда. Яхши ном ва эзгу ишлар қолдириш ўзбеклик аъмолига, қолаверса, инсон номига муносибдир.

Зулайхо МАҲКАМОВА, Наманган вилоят касабаси уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси

азиздир инсон!

ҳажми 4,6 триллион сўмга етади ва вилоятнинг республика умумий sanoati-даги улуши ҳозирги 2,7 фоиздан 4,2 фоизга етказилади.

Айни пайтда босқичма-босқич амалга оширилаётган дастурдан кўлаб йирик лойиҳалар ўрин олган. Улар орасида «Аср қурилиши» деб ном олган «Ангрен-Поп» электрлаштирилган темир йўли қурилиши ҳам бор. Фарғона водийсини республиканинг бошқа худудлари билан темир йўл орқали боғловчи ушбу лойиҳа ниҳоясига етказилиши Қамчиқ довоида транспорт ва юк ташиш оқими зўриқишини камайтиради. Линия ишга тушиши билан йилга 140 миллион доллар транзит

ўзлаштирилиши давомида биринчи босқичда, яъни, 2017 йилда 450 мегаватт қувватга эга дастлабки буг газ турбинаси ишга туширилади. Кейинги босқичларда яна учта шундай турбина фойдаланишга топширилади.

ЕРНИ СИЙЛАБ, ЭЛНИ БОКИБ...

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби ер билан тиллашиб, ўз имкониятларини кенгайтираётган фермер хўжаликлари Наманганда ҳам кўлаб топилди. Улар етиштирилган пахта ва ғалла, чорвачилик махсулотларининг йил сайин ортиб бораётгани, ер эгаларининг эндиликда хомашё ишлаб чиқа-



янги босқичида

ҳисобидан давлатимиз бюджетига иқтисод қилиниши, 20 миллион 500 минг тонна юк ташилиши, энг асосийси, бир ярим минг нафар ёш ишли бўлиши кўзда тутилмоқда. Шу билан бирга, вилоятда фаолият кўрсатаётган корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган махсулотлар экспортда сарф-харажатлар сезиларли даража қисқаради. Энг муҳими, йилга 611,7 минг нафар йўловчи ва 2067, 1 миллион тонна юк ташиш имконияти юзага келади. Узунлиги 19,1 километрлик тунел, 285 та сув ўтказиш ва олтига йўл ўтказиш иншооти, 19 та темир йўл кўприги, олти станция ва иккита вокзал қурилиши амалга оширилган тармоқда келажда 933 киши меҳнат қилади. Бу иш ўринларининг 660 тадан кўпроғи эса вилоят ҳисобига тўғри келади.

рувчиси деган мақомдан қайта ишлаш босқичига ўтаётгани олинаётган даромад чўғида ҳам кўзга ташланаётди.

Вилоятда аграр соҳанинг чорвачилик, паррандчилик, балқиччилик ва асалариччилик тармоқларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган алоҳида дастур асосида янгидан-янги субъектлар ишга туширилмоқда. Жумладан, кейинги пайтларда йирик шохли қорамоллар боқишга ихтисослаштирилган 254 та, 51 та паррандчилик, 200 та балқиччилик хўжаликлари ташкил этилиб, аҳолининг ана шу махсулотларга бўлган эҳтиёжини тўла қондиришга йўналтирилди. Бундан ташқари, Чортоқ туманидаги «Мусаффо Иқлим Транс» МЧЖда йилга 1300 тонна сутни, Наманган шаҳридаги «Афруз Камол Наби» МЧЖда 12000 тонна мевани қайта ишлашга мўлжалланган, «Рисола оил пресс» масъулияги чекланган жамиятида 525 тонна омихта ем тайёрлашга мўлжалланган қувватлар ишга туширилди.

БАХТ ЧИРОКЛАРИ...

Юртбошимиз: «Қишлоқларда такомиллаштирилган замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш ва қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс равишда ривожлантириш — бу, аввало, одамларимизнинг турмуш тарзи ва

менталитетини тубдан ўзгартириш бўйича эзгу мақсадларни кўзлайдиган қишлоқ аҳолиси ҳаётини сифатли ташкил этиш ва яхшилашга доир узоқ муқддатли давлат дастурининг асосий маъно-мазмунини ташкил этади», деган эди. Бу фикрларнинг ҳақлигига қишлоққа, замонавий уй-жойлар худудига қадам қўйишингиз билан амин бўласиз.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вилоятимизда кейинги йиллар давомида 157 та янги даҳа барпо этилиб, улардаги 4027 та замонавий иморатга ҳамюртларимиз қўчиб киришди. Жорий йил охирига қадар бинокорлар виллоят бўйича яна 27 даҳада 911 та замонавий уй-жойни ўз соҳибларига топшириш мақсадида қурилиш ишларини жадал олиб боришляпти.

Кишига хушайфият улашадиган бунёдкорлик манзаралари айни чоғда вилоятнинг барча худудларини қамраб олган. Масалан, Наманган шаҳридаги бутунлай янгича қиёфа касб этган Бо-бур шох кўчасида қурилиш ишлари юқори суръатда давом этапти, Тўрақўрғон кўчасида тадбиркорлар томонидан 48 та савдо-сервис шохобчаси, Истиқлол кўчасида 190 та хонадондан иборат 8 та кўпқаватли уй фойдаланишга

топширилди. Бундан ташқари, қатор худудлардаги тадбиркорлар аҳолига байрам тўхфаси сифатида замонавий савдо ва маиший хизмат шохобчаларини фойдаланишга топшириш тараддудида.

Наманган шаҳрининг бош майдонида ҳам айни дамда қурилиш, пардозлаш ишлари ниҳояланмоқда. Асли ватани дунёнинг турфа давлатлари бўлган ажабтовур буга-ю дарахлар Наманган тупроғида илдириш отмоқда. Кўпмиллатли юртимизнинг бағрикенглигига ишора бу манзарани ҳар доим мусаффо фавворанинг ўйноқ тўлқинлари, муздек томчиларнинг шодон қўшиқлари тўлдириб тургандек: ҳар бирда гўзаллик, бахтиборлик ва ишонч мужассам.

Наманганнинг бугуни, тараққиёт манзаралари хусусида сўз юритсак, ҳали узоқ вақт қоғоз қоралашимизга тўғри келади. Бироқ ҳар қандай гўзалликнинг таърифини эшитгандан кўра, ўзини кўрган афзал: гулдёрға таширғи буюринг. Ҳайрат денгизига чўмган қалбингиз бир олам завқу шукўҳга тўлиб қайтади. Истиқлол берган неъматларга шукроналик, ҳамюртлар дилидаги хотиржамлик сизни ҳам ўзига ром эта-жак.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Миллий матбуот марказида

«Агробанк» томонидан қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда банк мута-саддилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Самарали лойиҳалар

Анжуманда таъкидланганидек, ўз олдида мамлакатда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, тизимни ҳар томонлама молиялаштиришни мақсад қилиб қўйган «Агробанк» акциядорлик тижорат банки бошқа тармоқлар, жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам изчил чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Агросаноатни молиявий қўллаб-қувватлаш «Агробанк»нинг стратегик йўналишларидан ҳисоблангани боис барча турдаги қишлоқ хўжалик корхоналари, микрофирмалар, деҳқон ва фермер хўжалиқларининг мурожаати эътибордан четда қолмайди. Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида асосан банк 2016 йилнинг 1 июнига қадар кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш мақсадида 427 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратди.

Маълумки, Юртбошимиз томонидан 2016 йилда қабул қилинган «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон мазкур соҳанинг янада тараққиёт этишига кенг йўл очди. Бево-сита «Агробанк» томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 1 июн ҳолатига кўра, барча молиялаш манбалари ҳисобидан 520 миллиард сўмга яқин қўллаб-қувватлаш маблағлари ажратилди. Қувонарлиси, ушбу маблағлар ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш борасида 3,3 мингта янги иш ўрни яратилди. Умуман, 2016 йилда банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка 1 трлн. 196 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Жумладан, бунда микрокредитлар ҳажми 358 млрд. сўмни ташкил этади.

Мамлакатимизда молия-банк тизимини ислоҳ этиш ва шу орқали халқимиз турмуш фаровонлигини ошириш, юртимиз иқтисодий тараққиётини янада юксалтириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар тижорат банкларининг маълум ютуқларга эришишни таъминлаётди. Бу жаҳон ҳамжамиятида ҳам эътироф этилаётган қувонарли, албатта. Жумладан, «Агробанк» АТБ фаолияти мунтазам равишда нуфузли халқаро рейтинг агентликлари «Мудис» ҳамда «Фитч Рейтингс» компаниялари томонидан «Барқарор» дея баҳола-ниб келинмоқда.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга атроф-лича жавоб олишди.

Нарзулла МАҲАМОВ, «Ishonch» мухбири

Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржаси томони-дан «Давлат харидлари тизимида электрон каталогнинг тугган ўрни ва аҳамияти» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирдан қўзланган мақсад кенг жамоат-чиликни биржанинг янги савдо платформаси — электрон каталог фаолияти билан яқиндан таништиришдан иборат бўлди.

Ҳам вақт, ҳам маблағ тежалди

Шунингдек, биржа томонидан электрон каталогнинг ҳаётга татбиқ этиш, ривожлантириш ва харидорлар орасида кенг тарқалишни таъ-минлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда унинг инсон фаолияти учун самарадорлик жиҳатлари хусусида атрофлича фикр юритилди.

Бугунги электронлаштирилган ҳамиятда нафақат ахборот ва маълумотларни, балки хомашё ва махсулотларнинг барча турини элект-рон каталогдан танлаш ҳамда ўз маънолигига буюртма бериш им-кони мавжуд. Электрон каталог тизимлаштирилган каталогда товар-ларни танлаб олиш йўли билан амалга ошириладиган харид усули-дир. Мазкур тизим бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш билан бирга, зарур товарлар билан давлат харидчиларини амалга оши-риш жараёнини соддалаштиради. Шу баробарида, электрон савдо-лар билан боғлиқ бўлган барча операциялар фойдаланувчининг шах-сий кабинетидега бажарилади.

— Биржамиз томонидан истеъмолчиларнинг вақт ва маблағини тежаш, уларга кўмаклашиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, республиканинг барча худудлари билан манфаатли битимлар тузишга эришдик, — дейди «ЎзРТХБ» АЖ Ки-чик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш марказининг бош му-тахассиси Жасур Юнусов. — 2015 йилнинг 1 июнидан жорий йил-нинг 1 июнигача бўлган давр мобайнида электрон каталогда 70,1 млрд. сўмлик 65 мингта битим имзоланган бўлиб, 20,3 млрд. сўмлик бюджет маблағлари тежалди. Тузилган битимларда тадбиркорлик субъектларининг юз фоизлик иштироки таъминланди.

Сулаймон ҲАЙДАРОВ, «Ishonch» мухбири

Тўқин дастурхон кафолати

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазириликда «Халқимиз дастурхо-ни тўқинлигини таъминлаш — устувор вазифа» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда Қишлоқ ва сув хўжали-ги вазирининг ўринбосари Ш.Жамров мустақиллигимиз-нинг ўтган 25 йиллик даври мобайнида соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар тўғрисида маълумот берди.

Жумладан, қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириш ҳажми йилга ўртача 6-7 фоизга ўсаётгани, республика аҳолисини сон мут-асил ортиб бораётганига қарамай, ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат махсулотлари жон бошига бир неча баробар кўпайганини таъ-кидлади.

Яратилган қулай шарт-шароит, деҳқону фермерларимизнинг фи-дикорона меҳнати туфайли барча турдаги қишлоқ хўжалиги экин-ларидан мўл ва сифатли ҳосил олинмоқда. Мисол учун, 2015 йилда 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд дон, 3 миллион 350 минг тонна-дан кўпроқ пахта етиштирилди. Мева-сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик ва чорвачилик каби тармоқларда ҳам юқори ўсиш суръ-атлари таъминланди. Утган йили 12 миллион 825 минг тоннага яқин сабзавот ва картошка, салкам 2 миллион тонна полиз махсулотлари, қарийб 2 миллион 800 минг тонна мева, 1,5 миллион тоннадан зиёд узум махсулотлари йиғиштириб олинди.

Президентимизнинг 2015 йил 29 декабрдаги «2016 — 2020 йил-лар даврида қишлоқ хўжалигини қайта шакллантириш ва ривожлан-тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан 2020 йилга-ча 170,5 минг гектар пахта ва 50 минг гектар ғалла майдонлари ўрнига озиқ-овқат экинлари экилиши белгиланиб, жорий йилнинг ўзида пахта майдонлари паст рентабелли ерлар ҳисобига 30,5 минг гектарга қисқартирилди. Ушбу майдонларнинг 5 минг гектарига кар-тошка, 12,6 минг гектарига сабзавот, 7 минг гектарига озуқа экин-лари, 1,9 минг гектарига мойли экинлар экилди ҳамда 2,5 минг гек-тарига интенсиф боғлар ва 1,5 минг гектарига янги тоқзорлар барпо этилди.

Тадбир доирасида 27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воси-талари ходимлари кўни муносабати билан қабул маросими таш-кил этилди. Унда аграр соҳадаги ислохотларнинг мазмун-моҳияти, эришилаётган ютуқлар ва илгор тажрибаларни тарғиб этишда фаол иштирок этиб келаётган бир гуруҳ журналистларга вазириликнинг та-шаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Севара ШЕРМАТОВА, Сергели политехника касб-хунар коллежи ўқитувчиси

Истиқлол тенгдошлари

Бугунги кунда кўлаб ёшлар хорихда таҳсил олиш имконига эга бўлмоқда. Жумладан, Россия Федерациясининг нуфузли олий ўқув юртларида ўқиётган юртдошларимизнинг 50 нафардан ортиги мен таълим олган Наманган давлат уни-верситети қошидаги 1-академик лицейни битирган.

Мақсад аниқ, йўлимиз ёруғ

Мен 2007 йилда мазкур лицейга ўқишга қабул қилиндим. Ўз олдимга юксак мақсадларни қўйиб, илм чўққиси томон интилишни бошладим. Изланишларим натижасида 2008 — 2010 йиллар мобайнида математика факи бўйича ўтказилган вилоят олимпиадаси голиби бўлдим, республика олимпиадасида иштирок этдим.

2010 йилда лицейнинг аниқ фанлар йўналишини имтиёзли диплом билан тамомлаб, Россиянинг Томск давлат университетига нефть-газ соҳаси бўйича грант асосида ўқишга кирдим. Ўқиш давомида илмий изла-нишни чуқурроқ олиб бориш заруратини ҳис этдим. Математика олимпиадаси бу борадаги илк қадамим-нинг собит бўлишига туртки бўлди: Новосибирск шаҳ-ри миқёсида биринчилини, Россия Федерацияси бўйича эса 3-ўринни эгалладим. Навбатдаги йилда кўрсаткичимни яхшилаб, иккинчи ўринни забт этдим.

Сузиш борасидаги маҳоратимни ошира бориб, Москвада ўтказилган Россия чемпионатида 3-ўрин-ни эгалладим. Шу муносабат билан «Спорт учун» сти-пендиясини олишга муваффақ бўлдим. Ютуқларим ту-файли Москва давлат университетининг магистрату-расига имтиёзли равишда қабул қилиндим. Ҳозир таҳ-силни тугаллаш арафасидаман. Насиб бўлса, олган билимларим билан Ватанимизнинг шаънини юксал-тириш, манфаатларига мос тарзда ҳаёт тарзини шакллантиришга хизмат қиламан. Чунки юртимиз хур-риятга эришган йили тугилганман ва интилишларим бошқалариникидан ўн қарра кўпроқ бўлиши шарт, деб ҳисоблайман.

Илҳомжон БОҚИЕВ, Москва давлат университети магистранти

Бандлик

Битирувчилар учун иш ўрни

Касаба уюшма ташкилотлари аҳоли бандлигини таъминлаш борасида доимий иш олиб боради. Ўзбекистон Республика-си Давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ҳар бир туман ва шаҳарда қизғин ҳамада сервис соҳасида коллеж битирувчилари учун 25 тадан янги иш ўрни яратиш ташаббуси эса бу борадаги фаолиятни янада жон-лантирди.

Шу кунга қадар касаба уюш-ма ташкилотлари томонидан 26 та яқка тартибдаги тадбиркор-лик субъектини очиб ҳисобига 58 та, 10 та кичик корхонада янги иш ўрни яратиш ҳисобига 83 та, жами 141 та янги иш ўрни яратишга муваффақ бўлинди.

Соҳадаги изланишлар нати-жасидан баҳарланиб бўлганлар-дан бири Марғуба Тўраевадир.

Истеъмол товарлари ишлаб чи-қариш, савдо ва хизмат кўрса-тиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Наманган ша-ҳар кенгаши томонидан яқка тартибдаги тадбиркор М.Тўра-евага «JUTA JT-766» маркали оверлов машинаси олиб бе-рилди ва 2 нафар коллеж бити-рувчисига янги иш ўрни яратилди. Нодира Бўтаева ҳамда Умида Тўхтабоева хозир-

да устози раҳбарлигида гул бо-силган газламалар ва чокли буюмлар тайёрлашни бошлаб юборишди. Ҳар иккисига меҳнат дафтарчалари топширилди. Касаба уюшмаси аъзоллигига қабул қилиниб, муносиб меҳнат шартларида фаолият юрити-ши таъминланмоқда.

Мамлакатимиз тарихида ўзига хос из қолдиражак ушбу йилда ҳам касаба уюшмалари-нинг фаолияти ютуқларга бой бўлишига ишонамиз.

Муроджон СОБИРОВ, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси молия бўлими мудири



Кўшаҳифани «Ishonch» мухбирлари Дилдора РАҲМОНОВА ҳамда Гўзал НОРЧАЕВА тайёрлади.

Касаба уюшмалари мустақиллик йилларида

Чорак асрда мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришилди

— дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Равшан БЕДИЛОВ

✎(1).

Шу боисдан «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тузиш» комиссияси ташкил этилиб, унга шахсан Юртбошимизнинг ўзи раҳбарлик қилди. Натижада, 1997 йилнинг 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида таълим соҳасидаги ислохотларни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган ўта муҳим ҳужжатлар: «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилинди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ўзининг мазмун-моҳиятига кўра узлуksиз таълимнинг яхлит тизимини яратишни, 9 йиллик таълимдан 12 йиллик таълимга ўтишни кўзда тутди. 2009 йилдан бошлаб эса юртимизда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури 3 босқичдаги ислохотлар асосида амалга оширилди.

Биринчи босқичда 1997 — 2001 йилларда дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳуқуқий-меъёрий, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратилди. Бу босқич Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг моддий-техник базасини яратиш даври деб номланди.

Иккинчи босқич 2001 — 2005 йиллари ўз ичига олиб, миллий дастур кенг миқёсда жорий этилди. Бу босқич Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг сифат босқичи деган ном олган.

Учинчи босқич 2005 йилдан бошланиб, ундан кейинги йилларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу босқичда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ижроси якунига етказилиб, эришилган натижалар, тўпланган тажрибалар умумлаштирилиб, тахлил этилмоқда ҳамда шу асосда юртимизда янги таълим тизими янада такомиллаштирилмоқда. Шу боис бу босқич таълим тизимининг «модернизациялаш даври» деб аталаётди.

«Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили», «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», «Соғлом бола йили» каби Давлат дастурлари Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг узвий давоми десак сира адашмаймиз. Ушбу дастурлар таълим тараққиёти ва такомиллаш алоҳида ўрин тутди. Улар Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури доирасида, унинг таркибий қисми сифатида 2004 — 2009 йилларда амалга оширилган мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури, 1996 йилда ишлаб чиқилган Олий таълимни ривожлантириш концепцияси, 2011 — 2016 йилларда Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш бўйича дастур ёки шу сингари ундан ортқ ҳуқуқий ҳужжатлар таълим ривожини ва ижтимоий ҳаётимизда туб бурилиш ясади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунарида назарда тутилганидек, таълим муассасаларида олиб бориладиган маънавий-ахлоқий тарбия ва маънавий-маърифий ишлар, пировардида, бутун жамиятда маънавий янгилашни жараёнларини амалга ошириш соғлом маънавий муҳитни юзага келтиришда асосий омил саналади. Бу эса, энг аввало, жамият тараққиётига ўз нуносиб ҳиссасини қўшишга қодир бўлган ижодий фаол шахсни шакллантиришда таълим муассасаларининг оила, маҳалла ҳамда жамоат ташкилотлари билан яқиндан ҳамкорликда иш олиб боришини таъминлаш эҳтисоби.

2012 йилнинг 16-17 феврал кунлари Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт эътириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт» мавзудаги халқаро конференция бўлиб ўтди.


Мазкур нуфузли анжуманда кўпалай йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислот тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АКШ, Россия, Япония каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок эттиди.

Конференция узлуksиз таълим ва ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашнинг миллий моделини яратишда Ўзбекистон тажрибасини ўрганишга бағишланди. Халқаро форумнинг очилишида Юртбошимиз Ислот Каримов нутқ сўзлади.

Конференцияда «Кейинги ўн йилда касб-хунар коллежлари, лицей ва олий ўқув юртлири ўқитувчилари иш ҳақининг ўсиш суръатлари иқтисодийнинг реал соҳасидаги иш ҳақи миқдоридан тахминан 1,5 баробар кўп эканлиги, Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислохот қилишга йўналтирилган харажатлар ялли ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджети харажатлариданги улуши 35 фоизни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилган улкан эътиборнинг яқол тасдиғи ҳисобланиши» алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Таълим-тарбия соҳасининг яхлит, узлуksиз тизимини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, жумладан, умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта-маҳсус, касб-хунар ҳамда олий таълимгача бўлган барча босқичларда юксак билимли ва малакали касб тайёрлагарига эга бўлган авлодни тарбиялаш жараёнини такомиллаштириш ишлари изчил давом эттирилмоқда.

Бу борада ўрта умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда, олис аҳоли пунктлари-



да яшайдиган қизларни касб-хунар коллежларида ўқишга тўлиқ жалб этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилади.

2012 — 2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди.

Олий таълим тизимида амалга оширилган ва оширилаётган ислохотлар кўламини ҳам эътиборга молик. Жумладан, икки босқичли тизим — бакалаврият ва магистратурага ўтилди. Талабаларни юртимизнинг барча ҳудудига бир кунда ва бир вақтда кириш тест синовлари орқали қабул қилиш йўлга қўйилди. Шунингдек, тизимни молиялашнинг янги кўриниши ҳаётага татбиқ этилди.

2016 — 2017 ўқув йиллари учун бакалаврлар 57907 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 19120 ва тўлов-контракт асосида — 38787 нафар талаба ўқишга қабул қилинади. Шунингдек, магистрлар 5000 нафар, шу жумладан, давлат грантлари бўйича — 1548 ва тўлов-контракт асосида — 3452 нафар талаба ўқиш имкониятига эга.

Айни пайтда профессор-ўқитувчилардан иборат муаллифлар таркиби 2550 та фан йўналиши бўйича ўқув-методик мажмуалар яратиш ишларини олиб боришаётди. Ҳозиргача таълим муассасаларида 1500 дан ортқ электрон дарслик ва ўқув қўлланмалар яратилди. Кутубхона тизимини автоматлаштириш ва электрон каталоглар яратиш бўйича лойиҳалар 44 та таълим муассасасида амалга оширилди.

Ўтган йилларда мамлакатимизда жаҳондаги нуфузли кўпалай университет ва академиялар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Натижада, пойтахтимизда Буюк Британиянинг Халқаро Вестминстр университети иш бошлади. И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ давлат университети, Сингапур менежментини ривожлантириш институти, Плекханов номидаги Россия иқтисодий академияси, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Турин Политехника, Инфа университети ва ИТМО ширкати ширкида филиаллари ташкил этилди.

Яқинда эса юртимиз тарихида зарҳал харфлар билан ёзилмаган тарихий воқеа содир бўлди. Юртбошимизнинг ташаббуси билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қайси халқнинг она тили ва адабиёти унинг миллий руҳи ва ўзлигининг, маданий-маърифий олами, миллий ғоясининг асоси ҳисобланади. Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойнаи ҳаёти тил ва адабиётдур. Миллий тилни йўқотмак — миллатнинг руҳини йўқотмакдур», деган ҳикматли сўзлари ҳам бу фикрни яқол тасдиқлайди.

Ушбу соҳада яратилган норматив-ҳуқуқий база ўзбек тили билан бирга, мамлакатимизда яшайётган барча миллат ва элатларнинг ўз она тилини ривожлантириш ва уни эркин қўлладан иборат конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланишни кафолатлаб келаятгани алоҳида эътиборга сазовордир. Муҳтарам Президентимизнинг 2011 йил 20 майда имзолаган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори олий таълим тараққиётини янги босқичга қўтаришда, ҳеч шубҳасиз, тарихий аҳамиятга эга бўлди. Натижада, олий таълим муассасалари қиёфаси тубдан ўзгариб, моддий-техник имкониятлари мустаҳкамланиб бормоқда. Уларни салоҳияти кадрлар билан бойитиш бирламчи вазифалар сир-

расида жойларда ўз тасдиғини топмоқда.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб биз учун янги бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва химоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тизими жорий этилди. Шунингдек, мамлакатимизда олий ўқув юртлири фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилди. Ушбу тизим мамлакатимизда олий таълимнинг қандай ривожланаётганини таҳлил маълумотлар асосида аниқлашга ёрдам беради.

Таълим соҳасидаги ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби каторига кирадиган «Инссэд» халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган «Инновацияларнинг глобал индекси» маърузасига тўхталиб ўтиш жоиздир. Унда дунёнинг 141 мамлакатиданги инновацион ривожланиш жараёни комплекс тарзда таҳлил қилинган бўлиб, таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражасидир. Мазкур кўрсаткич бўйича мамлакатимиз 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш бўйича эса, 141 мамлакат орасида 2-ўрин эгаллаган.

Буларнинг ҳаммаси халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган адолатли иқтисодий, ижтимоий ислохотларнинг изчил амалга оширилаётгани ва оқилона сиёсатга асосланган ривожланишнинг «ўзбек модели» нақадар тўғри танланганидан далолатдир.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2015 — 2017 йиллар учун тузилган тармоқ келишувидagi вазифаларни бажариш юзасидан ҳамкорликда муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Меҳнат кодекси, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги қонунари, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамаси, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-Саноат палатаси ўртасида 2014 — 2016 йилларга тузилган Бош келишув ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тармоқ касабга уюшма ташкилотлари ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари фаолиятининг негизини ташкил қилиб, ижтимоий шериклик тамойиллари асосида иш юритиш, тармоқ келишуви ва жамоат шартномаларининг янги йўналишларини жорий этиш, таълим соҳасида ижтимоий кафолатлар кўламини кенгайтириш ва таъминлаш каби долзарб вазифаларни ўталадиган қамраб олади.

Шунга мувофиқ, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимини тубдан яхшилаш, замонавий ўқув технологияларини жорий қилиш, малакали етук мутахассисларни тайёрлаш, педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, жисмонан соғлом, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда таълим соҳасига тааллуқли давлат дастурларини бажариш бўйича ижтимоий шериклик асосида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари маъмурияти ва касаба уюшма кўмиталари ҳамкорлигида профессор-ўқитувчилар, ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий химоялаш, меҳнат муҳофазаси, маънавий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт, соғломлаштириш бўйича меъёрлар мазкур тармоқ келишуви ва жамоат шартномаларида ўз ифодасини топган.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази орқали республика бюджетидан 125 та академик лицей, тизимдаги хорижий лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари, Идровий метрологик назорати хизмати, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ижро этиш харажатлари молиялаштирилиб келинмоқда.

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимидаги спорт иншоотлари ва спорт заллари рўйхати ва маълумотлар базаси шакллантирилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида, маҳалларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш истагида бўлган кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа тоифалари рўйхати шакллантирилиб, тажрибали педагог ва мураббий-тренерлардан иборат соғломлаштириш гуруҳлари тузилиб, улар ёрдамида кексалар ҳамда ногиронлар спортга жалб этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январдаги «2014 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида»ги 1-сон мажлис баёни ижросини таъминлаш мақсадида, 2013-2014 ўқув йилида касб-хунар коллежлари битирувчиларини, кейинчалик эгалаган касблари бўйича ишга жойлаштиришни назарда тутган ҳолда, ишлаб чиқариш амалиётини ўташ учун аниқ ташкилотларга — иш берувчиларга бириктиришга доир манзилли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта-маҳсус касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланди. Республикадаги касб-хунар коллежларида тижорат банклари ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 1410 та ўрашувлар ўтказилиб, битирувчиларга тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўйича маълумотлар берилди.

Бундан ташқари, Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенциялари ижросини таъминлаш мақсадида тармоқ Республика кенгаши томонидан мунтазам равишда семинар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида ҳам тизимдаги муассасалар иш берувчилари учун Халқаро меҳнат стандартларини татбиқ этиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш ва ходимлар учун хавфсиз меҳнат шариоитларини яратиш масалаларига оид ўқув машғулотлар ташкил қилинаётди.

Жумладан, жорий йилдан бошлаб юртимиз ҳудудидаги ҳар бир коллеж ва лицейда 25 тадан янги иш ўрни яратилиши йўлга қўйилмоқда. Бу эса ўрта-маҳсус таълимга эга бўлиб, эндигина ҳаёт оstonасига қириб келаятган ёш авлодга кўрсатилган гамих-ўрликнинг яна бир ёрқин намунаси.

Маънавияти юксак халқ қудратли ишларга қодир. Эътибор бериб қаралса, халқнинг маданияти унинг ўтмиши, бугуни ва келажигида намоён бўлиши кузатилади. Халқимиз айнан шу йўлдан бориб, айниқса, истиқлол йилларида ўз миллий-тарихий, маданий меросига содиқлигини кўрсата билди. Бу эса мустамлақачилар даврида бой берилган, топталган бой маданий меросни тиклаш, ўзликини англашда бемисл рағбат уйғотди.

Хўш, булар нималарда кўринди, деган табиий савол туғилади. Энг аввало, маданий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисобланди. Истиқлол йилларида ўзбек маданий ҳаёти қайта уйғонди, жонланди ва ўзининг бутун бўй-бастини кўрсата билди. Театр, мусиқа санъати ривож топди. Маданий алоқалар кенгайди, маданий-маърифий муассасалар фаолияти такомиллашди. Шунингдек, музейларнинг ижтимоий-маърифий аҳамияти ошиб, миллий адабиётимиз ҳам янги босқичга кўтарилди. Айниқса, театр санъати ривож топди.

Республикаимизнинг ҳар бир ҳудудида маданий-маънавий меросимизга бағишланган тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинаётди. Бу эса ўз самарасини ёшларимиз онгида кучли маънавий онгни ривожлантириш, маданиятимизга бўлган ҳурматни мустаҳкамлаш, тарихимизга бўлган фахрини янада юксалтириш замирида намоён бўлмоқда.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2015 — 2017 йиллар учун тузилган тармоқ келишувидagi вазифалар ижроси алоҳида эътиборда.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодини кенг оммага ҳавола этишга катта аҳамият берилапти. «Нихол», «Эътироф» каби танловлар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти ёш ижодкорларнинг ўз иқтидорини намоён этиб, Ватан равақига ҳисса қўшишига асосий омил бўлаётди.

Ўтган йил мобайнида театр жамоалари томонидан 6 мингдан зиёд спектакл намоён этилди. Маданият муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, ҳайвонот боғлари, музейлар томонидан аҳоли учун узлуksиз равишда маданий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Биргина ўтган йилда 97 та маданият ва аҳоли дам олиш маркази, 26 та маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топширилди. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури асосида республикадаги 35 та Маданият ва истироҳат боғида, 37 та санаторий, 33 та «Саховат» ва «Муруват» ва ин-тернат уйларида меҳнат фахрийлари ва нурионийлар учун юқори даражада маданий хизмат кўрсатиш, миллий ижрочилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда миллий кадрларимизни ёш авлодга янада қуқурок сингирдиш мақсадида мусиқий кечалар ўтказилди.

Республика ҳудудларида спортнинг пийда юриш, шахмат, шашка, волейбол, мини-футбол, стол тенниси ва бошқа турлари бўйича 60-70 ёш ҳамда 70 ёшдан катта фахрийлар ўртасида «Кексалар завқи» спорт муسابакалари ўтказилди. Барча ҳудудлар қамраб олинган ҳолда «Бетақоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистони!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган 1085 та маданий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳамда байрам тантаналари ўтказилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва тизим ташкилотлари, таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спортнинг оммалашувини янада юқори поғонага қўтариш, жисмоний маданият ҳаракатини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, замонавий спорт турлари бўйича иқтидорли спортчиларни тайёрлаш ва улар маҳоратини ошириш мақсадида катта ишлар олиб боришмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизда спорт соҳасини ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётгани ҳамда яратилган шарт-шароитлар ҳисобга олиниб, халқаро Федерация ва ассоциациялар томонидан Ўзбекистонда нуфузли жиҳатидан юқори ҳисобланган Осиё ва жаҳон чемпионатларини ўтказиш тўғрисидаги таклифлар қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, ўтган йилда Тошкент шаҳрида Қиличбозлик бўйича ўсирилган ўртасида Жаҳон чемпиони, Бадий гимнастика бўйича иختисослаштирилган олимпия захиралари мактаби спорт мажмуасида бадий гимнастика бўйича катталар ўртасида Жаҳон кубоғи босқичи ҳамда «Нарру Сагава» мусобақаси, Тошкент шаҳрида Халқаро ҳаваскорлар бокс ассоциациясининг мусобақаси юқори савияда ташкил этилди.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Олий ва ўрта маҳсус таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими Маркази билан тузилган тармоқ келишувларида ҳамда ташкилот ва муассасаларда имзолаган жамоат шартномаларида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий химояси, уларнинг меҳнат ва дам олиши, соғломлаштирилиши, меҳнат муносабатларини янада тартибга солиш, меҳнат қонуinchлиги бузилишининг олдини олишга қаратилган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга муттасил эътибор қаратилмоқда.

Юқорида тилга олинган кўрсаткичлар — шунчаки рақамлар шодаси эмас, балки юртимизнинг жаҳон миқёсида эгаллаган, фан, таълим ва маданият соҳаларида эришган мислисиз ютуқларидан биҳали ҳолос. Биз Ватанимиз равақи йўлида хизмат қилаётганимиздан, оз бўлса-да ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланамиз.

«Ishonch» мухбири
Давронбек ОРИПОВ
ёзди

ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Ёзги соғломлаштириш

Бахтли болалик қувончи



Шу кунларда Андижон вилоятининг Булокбоши туманидаги «Шифокор» болалар оромгоҳи нихоятда файзли кўриниш олган. «Кувноқлар ва зукколар», «Табият кўнига саёҳат», «Шеърят кечаси» сингари турли маънавий-маърифий тадбирлар, кўнгилочар дастурлар уларга завқ бағишламоқда.



жисмоний ва ақлий салоҳиятларини янада ўстиришлари учун ўндан зиёд спорт ва фан тўғарақлари ишлаб турибди, кутубхона, ёзги кинотеатр, бассейн ҳамда спорт майдончалари болажонлар хизматида. 20 дан ортиқ малакали педагог-ҳодим уларга мураббий этиб бириктирилган. Айти пайтада Андижон вилоятида 14 та оромгоҳ фаолият кўрсатмоқда. Бу масканларда мавсум мобайнида жами 9 минг 550 нафар болажонларнинг дам олиши режалаштирилган.



дам олувчининг фикр-мулоҳазаларини эшитиш, кейинги навбатларини янада юқори савияда ташкил этишга ҳаракат қиламиз.

Маҳорат ҲОЖИМУРОДОВА, «Алоқачи» оромгоҳи бош етакчиси

Болаликнинг гашти ўзгача. Кўшиқ айтиш, рақсга тушиш, ким ўзарга беллашиб спорт мусобақаларида қатнашиш, саф тортиб сайрга чиқиш, ўйнаб-кулиш кимни мафтун этмайди, дейсиз! Барча дам олиш масканларида бўлгани каби бизнинг оромгоҳ ҳам ҳар кунни шу каби кезик қувонч ва шодликка ҳамоҳангдир.

Нурилло НЎЪМОНОВ, «Ishonch» мухбири, Зухриддин УМЗОКОВ олган суратлар

Китоб тумани Қайнар қишлоғи баҳавар ва сўлим масканлардан. Шу боис бу ерда бир нечта оромгоҳ ва сихатгоҳлар фаолият кўрсатади. «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Қашқадарё филиалига қарашли «Алоқачи» болалар оромгоҳи шулардан бири.

Ҳар йили ёзги соғломлаштириш мавсумига ўзига хос тарзда тайёргарлик кўрилади. Оромгоҳ директори Насибулло Ходиев ҳар бир тарбиячи ва етакчи билан суҳбатлашиб, ўтадиган тадбирларга жиддий ёндашишни сўрайди, дам олувчи болаларнинг кайфиятига қизиқади. Қолаверса, оромгоҳнинг моддий-техника базаси тобора яхшиланаётганда ҳам бу инсоннинг ҳиссаси катта.

Ўғил-қизларимизга Соғлом она ва бола йилининг мазмун-моҳиятини кенгроқ тушуниришга ҳаракат қилишимиз. Шунингдек, мустақиллигимизнинг 25 йиллигига бағишлаган учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Ҳар бир навбат якунида тадбирларда фаол иштирок этган ўғил-қизлар муносиб тақдирланади. «Оромгоҳдан олган таассуротларим» мавзусидаги давра суҳбатларида ҳар бир

Оромгоҳимиз Бухоронинг сўлим гўшаларидан бирида жойлашган. Ариқларда зилот сув шилдираб оқиб турибди. Спорт майдончаси, чўмилиш ҳавзаси, кутубхона ҳаммиша гавжум.

Мавсумнинг кўнгилли ўтишида асосий ҳоми — «Меридиан сервис Бухоро» МЧЖ жамоасининг хизмати катта. Тайёргарлик жараёнида ҳудудимизда қурилиш-таъмирлаш тадбирлари юқори сифат билан бажарилди. Жорий йил баҳорда ҳудудимизда янги боғ ташкил этиб, 500 түп мевали, 150 түп манзарали кўчатлар ўтказгандик. Айти пайтада ёш ниҳоллар гурқираб ўсмоқда.

Бутун эътибор 240 нафар ўғил-қизнинг мазмунли ва мириқиб ҳордиқ чиқаришини таъминлашга қаратилган. Мавсум давомида соҳамиз ҳодимлари фарзандлари билан бир қаторда «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, эҳтиёжманд оилаларнинг болалари ҳам имтиёзли соғломлаштирилади. Биринчи босқичда 13 нафар бола касабга уюшмасининг ана шундай имтиёздан баҳраманд бўлди. Бундай шариоит кейинги босқичларда ҳам яратилади.

Ҳар бир куннинг завқли ўтиши учун қатор ибратли тадбирлар белгиланган. Чунончи, гуруҳларро «Кувноқлар ва зукколар» мусобақа-

си, тўғарақларда ташкил этилаётган «Иқтидор ва истеъдод», «Биз — буюк юрт фарзандларимиз», «Ёш китобхон», «Ҳазинани топ», «Оромгоҳ маликаси», «Оромгоҳ қироли», «Ёш рассом», «Моҳир кўлар» каби ўндан ортиқ тадбирлар ҳамда кўрик-танловлар, табиат кўнига ташкил этилаётган саёҳатлар болажонларда катта таассурот қолдирмоқда.

Тадбиримизнинг юқори савияда ўтказилишида вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмасининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими, «Камолот» ЁИХ ҳодимларининг муносиб ҳиссаси бор.

Яқинда оромгоҳимизда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан «Гўзал ва бетакоримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида учрашув ўтказилди. Тадбирда Истеъмолот товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳодимлари касабга уюшмасининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Жаҳонгир Нуруллаев бошчилигидаги вакиллар мамакатимизда ёшларга кўрсатилаётган гамхўрликлар ҳақида батафсил сўз юритдилар. Оромгоҳда ҳордиқ чиқараётган, тадбирларда фаол иштирок этаётган ўғил-қизларга эсдалик совғалари топширилди.

Худди шундай тадбирлар мавсум охиригача давом этади. Токи болажонларимиз ёзги таътилни мароқли ўтказиб, қадрдон мактабига соғлом, ҳушқайфият билан қайтсин.

Мансур БОБОЕВ, «Ёш қувончи» болаларни соғломлаштириш оромгоҳи раҳбари

Марғилон шаҳридаги 16-умумий таълим мактаби қўшиқ айтиш ташкил этилган «Камалак» кундузги соғломлаштириш оромгоҳи болажонларга ёз кунларида аjoyиб онларни тортиқ этмоқда. Шахмат-шашка, компьютер саводхонлиги, моҳир кўлар, стол тенниси, мусав-

вир тўғарақларидаги машғуллар уларнинг истеъдодини чархламоқда. «Ораста қизлар» тўғарағида қизлар бичиш-тиқиш, тўқиш, уй-рўзгор юмушларини бажариш бўйича кўникмаларини оширмоқда.

— Бу ерда эҳтиёжманд оила фарзандлари ҳамда аълочи ва фаол ўқувчилардан иборат 100 нафар ўғил-қиз мароқли дам олмақда, — дейди оромгоҳ раҳбари Моҳира Охунова. — Болажонлар учун бир нечта йўналишда тадбирлар ўтказилапти. Ахборот-ресурс хоналари ўқувчилар ихтиёрида. Шаҳар тарихи, шоира Жаҳон отин Увайсий уй-музейларига уюштирилган саёҳат уларда катта таассурот қолдирди.

8 нафар мураббий тарбиячилар турли кўнгилочар, қизиқарли тадбирлар, мусобақалар, викториналар бош-қош бўлмоқда. Ташкил-лаштирилган «Энг фаол китобхон» кўрик-танловида 8 нафар ёш китобхон ўзаро беллашиб, ғолиблар янги китоблар билан тақдирланди.

Муҳаммадҷон МАЎМУДОВ

«Навоийазот» АЖ тасарруфидоги «Офтобжон» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ўқувчиларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказиш учун барча шариоит яратилган.

— Мавсумда корхона ҳодимларининг 930 нафар фарзанди дам олдирилиши режалаштирилган бўлиб, 1-навбатда 312 нафар бола соғломлаштирилди — дейди касабга уюшма кўмитаси раиси Тўлқин Рўзимуродов. — Соғлом она ва бола йилда ҳар қачонгидан ўзгача ёндашув ўз самарасини беришига шубҳа йўқ, Бунинг учун оромгоҳда фаолият олиб бораётган 37 нафар педагог-тарбиячи, етакчи ва тўғарак раҳбари, кутубхоначи, мусиқа ўқитувчилари иштирокида ўқув-семинарлар ташкил этилди. Таътил давомида болажонларнинг мазмунли дам олишини таъминлаш учун спорт мусобақалари, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек таниқли адиблар, санъаткорлар ва машҳур спортчилар иштирокидаги учрашувлар ҳам ўқувчиларга бир олам қувонч бағишламоқда.

Оромгоҳда болаларнинг ижодий қобилиятини ошириш мақсадида «Юмшоқ уйинчоқлар», «Моҳир кўлар», рақс ва инглиз тили тўғарақлари, компьютер синфи фаолият кўрсатмоқда.

Мавсумда икки юз нафарга яқин эҳтиёжманд оила фарзандлари оромгоҳда дам олади. Уларга вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан йўлланмалар ажратилган. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари имтиёзли равишда соғломлаштирилади.

Баҳром ҚУВВАТОВ, Кимё ва фармацевтика саноати ҳодимлари касабга уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси



NASA олимлари Марсга роботни юборишмоқчи

Валькирия деб ном олган ушбу робот-гуманоид инсонлар ўрнига Марс сойёрасига учади.

Кўринишдан инсонга ўхшагани билан Валькирия гапириши ва эшитиши хусусиятига эга эмас. Бироқ унинг кўриши, тушуниши ҳамда илғаш «қобилияти» жуда юқори.

Маълумотларга қараганда, Валькириянинг танасида лазерли радар бўлиб, у нур орқали ўртадаги масофани ўлчаш имкониятига эга.

Валькирияни ихтиро қилган мутахассислар келажакда унинг яна бошқа янгидан-янги имкониятларга эга бўлиши ва Марсга 5 йилдан кейин учирини айтишмоқда.

Озон қатлами тикланмоқда

Экологлар 2000 йили ўзининг энг катта даражасига етган Антарктика устидаги озон қатламидаги тўйнуқ тиклана бошлаганини маълум қилишди.

Олимларнинг кузатувига қараганда, туйнунинг умумий ҳажми 4 миллион квадрат километрга қисқарган. Шунга қарамай 2015 йили тадқиқотчилар Атлантика устида яна бир йилги туйнунини кузатишган. Айтишларича, Чилидаги Кальбуко вулканининг отилиши бунга сабаб бўлган.

Маълумки, кўб кенгликларда озон қатлами 10-15 км баландликда жойлашган. У ердаги ҳаётни ультрафиолет нурларидан ҳимоя қилиб туради.

Хотирани ўчириш услуби топилди

Бельгиядаги Левен университетини ва Германиядаги Нейнцих институтини раҳбарлик қилган сичқонларнинг базовий хотираларини ўчиришга эришди. Бу кемиручи миясидоги бир геннинг фаоллигини қамойтириш орқали амалга оширилди.

Хотирага одатда неродегенератив нуқсонлар, бахтсиз ҳодисалар ёки стресс ҳолатлари туфайли зарар етади. Лекин олимлар алоҳида генларга таъсир ўтказиш орқали ҳам хотирани ўчириш мумкинлигини исботлашди. Тадқиқот генетик модификация қилинган сичқонларда олиб борилди. Генинженерияси йўли билан уларнинг неропластин генига таъсир ўтказилди. Натияжада, олимлар сичқонлар хотирасини зарур кимёвий вивиситалар орқали хоҳлаган пайтада ёқши ёки ўчириш имкониятига эга бўлишди.

Интернет материаллари асосида У.ИБДИНОВ тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси маъмурияти ҳамда касабга уюшма кўмитаси «Ўздавдонинспекция»нинг Нукус минтақавий лабораторияси етакчи мутахассиси **Махсудов ЖУМУРАТОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Диққат!

Ёшларга интернет орқали ҳуқуқий маслаҳат кўрсатиш тизимининг янгиланган саҳифаси ишга тушди

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқий оғни ва маданиятини юксалтириш, мустақил ва эркин фикрлайдиган, замонавий илм-фан ютуқларини пухта ўзлаштирган, ҳар томонлама баркамол авлоднинг вояга етказишга қаратилган ёшларга оид давлат сиёсатини изчил амалга оширишга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Шу мақсадда давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ҳокимият органлари, ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг тақлифлари асосида «Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури»нинг 7-бандида Ёшларга интернет орқали ҳуқуқий маслаҳат кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш вазифаси белгиланган эди. Мазкур вазифадан келиб чиқиб, Ўзбекистон


касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Юридик клиника негизида www.savol.yk.uz сайтида ёшларга интернет орқали ҳуқуқий маслаҳат кўрсатиш тизимининг янгиланган саҳифасини ишлаб чиқди. Мазкур саҳифа фойдаланувчилардан келиб тушган ҳуқуқий саволларга амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда жавоб беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Қуйидагилар тизимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ёшлар ўртасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ва саводхонликни ошириш;
- ёшлар ўртасида халқаро ва миллий ҳуқуқ стандартларини, шу жумладан, қонун ва қонун ости ҳужжатларини тарғиб этиш;
- ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ўз ҳуқуқларини қўллаш ва амалга оширишларида амалий ва бепул юридик (консультатив) маслаҳат кўрсатиш;

► ёшларга ҳуқуқий хизмат кўрсатишда соҳага мутасадди ва дахлдор бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб қилиш, ижтимоий шериклик механизминини рағбатлантириш;

- мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислохотларни тарғиб қилиш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка, шу жумладан, ёшларга етказишда замонавий технология воситалари ва уларнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш;
- ёшларга ҳуқуқий хизмат кўрсатишнинг интерактив шаклларини такомиллаштириш;
- ёшлар мувожаатларининг статистикасини олиб бориш, доимий таҳлил фаолиятини таъминлаш;
- таҳлиллар натижасига кўра, соҳани такомиллаштириш ёки ривожлантириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;
- давлат дастури ва қонуларда белгилан-



ган бошқа вазифалар.

Тизим Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонуларига мувофиқ амалга оширилиб, қуйидагилар фаолиятининг асосий принциплари ҳисобланади:

- қонунийлик;
- тенглик;
- очик ва ошқоралик;
- ижтимоий адолат;
- ижтимоий шериклик;
- ҳолислик;
- ҳуқуқий хизматнинг бепуллиги.

Саволларга Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Юридик клиникаси экспертлари, мураббийлари ҳамда волонтерлари жавоб берадилар. Таъкидлаш жоизки, Юридик клиника экспертлари сафидан вазирлик, идора ва ташкилотларнинг малакали мутахассислари жой олишган.

MUASSIS:



2007-йil 11-январда O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir Sharofboyev
Tahrir hay'ati:
Abdulaziz Abdullayev, To'loqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmonov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodiyev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va o'lonlar — 256-87-73

Manzillim:

100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy
E-mail: xatlar@ishonch-doveriy.uz

HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32
Andijon — (+998-91) 475-23-60
Buxoro — (+998-91) 653-50-81
Jizzax — (+998-91) 943-67-44
Namangan — (+998-90) 260-50-77
Navoiy — (+998-93) 313-86-87
Samarqand — (+998-97) 915-50-87
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55
Surxondaryo — (+998-90) 910-54-05
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70
Xorazm — (+998-90) 719-48-00
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

A.Qodirova
Navbatchi:
D.Oripov
Musahhih:
S.Shodiyeva
Sahifalovchi:
H.Abdullajlov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili:
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 3 bosma taboq.
Buyurtma G — 715.
14075 nusxada bosiladi.
Nashr ko'satkichi: 133

Boshiga topshirish vaqti — 20:45
Topshirildi — 22:10
1 2 4 5 6